

Исо Масих,



Исо Масих



Text and illustrations: Willem de Vink.

Copyright © 1993 Stichting Wereldtaal, Houten, The Netherlands. Published in Dutch as “Jezus Messias”.

Edition in Uzbek

Digital copyright under the terms of the Create commons BY-SA licence

All rights of translation, reproduction and adaptation reserved for all countries.

Worldwide co-edition organised and produced by:

Wycliffe Netherlands

Postbus 150

3970 AD Driebergen

The Netherlands

+31(343)517444

www.wycliffe.nl



Нега дарё бўйида оломон тўпланиб турибди?



Тавба қилинглар, чунки Осмон
Шоҳлиги яқинлашиб қолди!



Янги ҳаёт
бошлангиз!



Ҳозирданоқ дарахтлар
илдизидида Худо ҳукми болтаси
ётибди-ку...



Яхши мева бермайдиган ҳар
қандай дарахт кесилиб оловга
ташланади.




Унда ким нажот топа
олар экан?

Худди шундай! Бошингизга
келадиган Худо ғазабидан қочиб
қутула олмайсиз. Бироқ, мендан
кейин Келаётган сизларнинг ички
дунённгизни ўзгартира олади.



Янги ҳаёт бошлашни
истасангиз шу сувда чўмилиб,
тавба-тазарру қилиб имон
келтиринг.





Бу билан сиз янги ҳаёт
бошлашни иштасингизни
кўрсатасиз.

Кишилар дарё бўйида воизлик қилаётган Яҳёни
улуғ пайғамбар деб билишарди...

Мен сизларни
тавбага чақириш
учун сувга чўндириб
юрибман, лекин
менинг кетимдан
Келаётган мендан
қудратлидир. У
сизларни Муқаддас
Рухга ва оловга
чўндиради.



Шу пайт...



Сен эмас, мен
Сенинг
хузуригда
чўндирили-
шим керак эди.




Энди мен сизни
сувга чўндириб
берман, лекин
сенинг кетимдан
Келаётган
қудратлидир.



Осмондан эса садо келди:

Ҳа!
Сен Менинг
севикли
Ўғлимсан,
Сендан
мамнунман!



Ота, Шоҳлигинг
қарор топсин ва
ироданг
бажарилсин!



Яҳё пайғамбарнинг Яҳудияни Масихнинг келишига ҳозирлаши эрамининг бошига тўғри келади. Бу пайтда Яҳудия буюк Румо Империясининг бир кичик қисми эди холос.



Хўрланган ва эзилган Яҳудия халқи Масихни сабрсизлик билан кутарди. Ўша қадимий китобларда башорат қилинган Бу Халоскор Худованднинг Адолат тантанасини ўрнатиши керак эди.

Иордан дарёси бўйида Яҳё пайғамбар Исо ҳақида деди:

Мана, дунёнинг гуноҳини Ўзига олувчи Худонинг қурбонлик Қўзиси.



Сўнгра Муқаддас Рух Исони чўлга бошлаб кетди.



Исо чўлда қирқ кун ва қирқ тун рўза тутди.



Худованднинг инсониятга бўлган иродаси Исо томонидан бажарилиши лозим эди. Худонинг иродаси эса кишиларнинг зулмат занжирларидан озод бўлиши эди.

Исо Шайтон томонидан васвасага солинди.



Ҳа Ота, Мен Сенинг иродангни бажараман!



Шайтон эса Исони Худонинг иродасидан четлатишга ҳаракат қиларди.

Агар Сен Худонинг ўғли бўлсанг, айтгин, бу тошлар нонга айлансин!


Йўқ! Тавротда ёзилганки: «Инсон ёлғиз нон билан эмас, балки Худонинг ҳар бир каломи билан тирик».




Агар Сен ҳақиқатан Худонинг ўғли бўлсанг, ўзингни маъбад тепасидан пастга ташла-чи. Чунки Забурда шундай ёзилган: «Фаришталар Сени қўлларида кўтариб кетар».

Агар менга сажда қилсанг, дунёнинг барча ҳокимиятини Сенга бераман.


Шундан сўнг Иблис Исони тарк этди. Фаришталар эса келиб, Исога хизмат қилардилар.



Худовандингни синама, деб ёзилгани ҳам бор.




Йўқол кўзимдан, Шайтон! Чунки Тавротда ёзилган: «Фақат Тангринг Худовандга сажда қил, биргина Унга итоатда бўл!»




Исо Муқаддас Рух қудратига тўлиб, ўсиб-улғайган юрти Жалила вилоятига қайтиб келди. Йўлда Унга одамлар эргашиди. Улар башорат қилинган халоскор Масиҳ шу эканлигини билишга ошиқардилар.






Канада, Жалилада тўй бўляпти.



Исо ҳам ўз онаси ва дўстлари билан тўйда.






Жалиланинг Кафарнаҳум шаҳри балиқ тутиши билан машҳур. Исо Худо Шоҳлигини тарғиб қилишни шу ердан бошлади.




У бу ерда Ўзининг дастлабки шогирдларини танлади.




Петр, нарироқ сузиб бориб, ўлжа учун тўрларингизни ташланглар.




Устоз, бизлар тун бўйи уриниб, ҳеч нарса тута олмадик.



Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўр ташлайман.




Кўзларимга ишонмайман!





Ёқуб,
Юҳанно, бу
ёққа
келинглар!
Хаёлга
сиғмаган
улов бўлди!




Ё Раббий, мени ёлғиз қўй,
чунки мен гуноҳга тўламан.


Қўрқма!



Юринглар. Мен сизларни
инсон овчилари қиламан!




Менинг
кетимдан
эргашинглар!




Исо ўз шогирдлари билан бутун Жалила бўйлаб сафар қилди. Ҳар хил касалларга шифо берди. Жин урган одамларни даволади. Одамлар Ундан ҳайратланиб, Унга эргашардилар. Улар ҳатто бошқа қишлоқлардан ва Яҳудиянинг пойтахти Қуддусдан кела бошладилар. Халқ Исонинг ҳар бир сўзига қунт билан қулоқ соларди.




Очу-чанқоқлар бахтлидир. Чунки улар тўқ бўлур.




Йиғлаётганлар бахтлидир. Чунки улар тасалли топур.




Мен туфайли одамлар сизни қувғин қилса, сиз ҳақда ёлғон гапириб фисқу-ғийбат қилса, бахтлисиз! Чунки сизга Худонинг мукофоти улуғдир.




Ўзингиз қандай муносабат
топишни истасангиз, бошқаларга
ҳам шундай муносабатда бўлинг.




Душманларингизни севинглар,
улар учун ибодат қилинглар.




Яхшиликни пинҳона қилинг,
токи ҳеч кимнинг эътиборини
жалб қилмасин.




Ким ҳатто бир аёлга шаҳват
билан қараса, аллақачон
кўнглида у билан зино қилган
бўлади.



Кўз - тананинг чироғидир.
Агар сенинг кўзинг тиниқ
бўлса, бутун тананг ҳам ёруғ
бўлади. Аммо кўзинг ёмон
бўлса, бутун тананг ҳам
зулматда.



Ҳеч ким икки хўжайинга хизмат
қилолмайди. Ҳам Худога, ҳам
пулга бирдек сиғина олмайсиз.



Эртанги кунингиз ҳақида
қайғурманг. Энг аввало
Худонинг Шоҳлиги ҳақида
ўйланг, қолган ҳаммаси ўзи
бўлади.




Менинг сўзларимга амал қилинг. Менинг сўзларимни
эшитиб бажо келтирган ҳар бир киши, уй қураётганда
пойдеворини тошдан ясаган одамга ўхшайди. Лекин
сўзимни эшитиб, унга амал қилмаган киши, уйини
пойдеворсиз тупроқ устига қурган одам кабудир.



Кафарнаҳумда одамлар Исо турган уй атрофида йиғилишган эдилар.

Уларнинг орасидан ўта олмаймиз.




Унда уни кўрпатўшаги билан томдан туширамиз.

Нима гап? Нима бўляпти?



Майли, қаршилиқ қилманг. Уларда жуда катта эътиқод бор экан.



Сенинг гуноҳларинг кечирилди.


Ким экан бу куфрлик қилаётган Одам?




У Худони масхара қиляпти!

Ёлғиз Худодан бошқа ким гуноҳларни кечири олади?

Нима дейиш осонроқ? Гуноҳларнинг кечирилди, деб айтишми ёки ўрнингдан туриб юра қол, дейишми?



Лекин Масиҳнинг ер юзида гуноҳларни кечириш қудрати борлигини ҳам билиб қўйинглар. Ўрнингдан тур, тўшагингни ол-да, уйингга бор!





Ўзи юрапти!


Ақл бовар қилмайди!

Ҳей! Мен энди юра оламан!



Лекин ҳамма ҳам Исонинг ишларини хуш кўрмади. Диндорлар Исони қонунни бузишда айбладилар. Шанба кунини Яҳудияда иш қилиш ман этиларди...



Мана бу одамнинг қўли шол бўлиб қолган. Шанба кунинда яхшилиқ қилиш мумкинми?



Қўлингни чўз!




Вой! Мен тузалдим!




Биз Ундан қутулишимиз керак!

Биз ҳокимларга Унинг халқни чалғитаётганини етказишимиз керак!

Қаршилик зўрайгач, Исо Ўз ҳаворийлари билан
Жалила кўлидан сузиб ўтди.



Устоз, биз ҳалок
бўляпмиз, бизни
қутқар!





Намунча қўрқоқсизлар?
Нега ҳалигача
имонингиз йўқ!?














Тинчлан!
Бас қил!



Қайиқни тинч жойга боғлаб қўйишди.
Тоғлардан эса...

Аааах!








Мен сизларга бир нарсани айтай: Ўғил Отасининг ёрдамисиз Ўзи ҳеч нарса қилолмайди. Мен Ўзимнинг иродамни эмас, Мени юборган Отамнинг иродасини бажаряпман.




Ўша кунларда Исо ибодат қилиш учун тоққа чиқарди.




Бир кечалик ибодатдан сўнг, тонг ёришгач, шогирдларини ёнига чақирди ва ораларидан 12 кишини ҳаворий қилиб тайинлади. Шогирдларига касаллик ва жинлар устидан ҳокимият берди ва уларни иккита-иккитадан қилиб жўнатди.



Улар: Петр, унинг укаси Андрей.




Ака-укалар Ёқуб ва Юҳанно.




Филипп ва Варфоломей.


Фома ва авваллари Румо
босқинчилари солиқчиси
бўлган Матто.



Таддей ва Алфей ўғли Ёқуб.



Ватанпарвар деб ном олган
Симон ва искарיותлик Яҳуда.



Боринглар! Кимки сизларни қабул
қилса, Мени қабул қилган бўлади,
кимки Мени қабул қилса, Мени
Юборганни қабул қилган бўлади.



Ўн икки ҳаворий ўз
вазифаларидан руҳланиб
ҳаяжонда қайтдилар. Исо
шогирдлари билан тинч
жойга бормоқчи бўлди.
Лекин одамлар Унинг
олдидан кетишмас эди.

Ҳосил мўл-кўл, лекин теримчилар кам.
Худого илтижо қилинлар, У ҳосилни
йиғишга ёрдамчилар юборади.



Исо Худонинг Шоҳлиги тўғрисида гапирар, шифога муҳтожларни даволар эди. Кеч кирди...



Филипп, бу одамлар қандай қилиб ўзларига овқат топадилар? Сизлар уларга таом беринглар!

Саккиз ойлик юмуш ҳақи ҳам етмаса керак!


Бу ерда бизнинг бешта нон ва иккита балиғимиз бор, холос.




Халойиқни бир қаторга 50 тадан қилиб ўтқазинглар.




Исо осмонга қараб шукрона дуосини ўқиди...



Нонларни синдириб шогирдларига берди, улар эса халойиққа тарқатиб туришди.



Минглаб
одамларнинг қорни
тўйди.



Бу - келиши керак бўлган
ўша Масиҳмасми?

Биз Уни Подшоҳ
қилиб қўтаришимиз
керак.





Қаранг, ортиб
қолган бурда
нонлар тўла 12
сават чиқди!



Халойиқни уйга жўнатамиз. Сиз қайиқда нариги
томонга сузиб ўтинг. Мен эса ибодат қилиш
учун тоққа чиқаман.






Одамлар Исони шоҳ қилиб кўтармоқчи бўлдилар. Улар бу билан Румолик истилочилар зулмидан қутулмоқчи эдилар. Исонинг душманлари ҳам кўпайди. Улар доимо Исони ёмонлардилар. Одамларни Исога қарши қўйиб, Ундан қутулмоқчи эдилар.




Устоз, Сен қачон бу ерга келдинг?

Сизларга нон берганим учун Мени қидириясизларми?

Ўткинчи таом учун эмас, абадий ҳаётга бошловчи боқий озуқа учун ҳаракат қилинглр.




Мен Абадий Ҳаёт Нониман. Мен берадиган нон - Ўзимнинг танамдир. Уни дунёга ҳаёт бахш этиш учун фидо қиламан.



У қандай қилиб бизга Ўзининг танасини едира олар экан?

Бўлмаган гап!




Кетдик!

У бизни алдаяпти!



Сизлар ҳам кетмайсизларми?

Раббим, бизлар кимга борайлик? Сенда абадий ҳаётнинг сўзлари бор.



Қуддус шаҳри ташқарисида қатлгоҳ бор. Румо Империясида хочга михлаб ўлдириш жазоси қўлланилар эди.




Агар ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ўз хочини кўтариб, орқамдан юрсин.



Ким ўз жонини аямоқчи бўлса, уни йўқотади. Лекин ким Мен учун жонини йўқотса, жон топади.



Шуни билингки, Худо Ягонадир.



Худовандингни бутун қалбинг билан, бутун жонинг билан, бутун онгинг билан севгин! Энг буюк амр шу! Иккинчиси эса шу кабидир: ўзгани ўзинг каби севгин!




Бу пайтда моховлар яшайдиган
қишлоқлар бўларди. Касалга
чалинганларнинг соғлом одамлар билан
алоқада бўлиши ман этилган эди.





Моховлар келаётганда,
одамларни огоҳлантириш
учун бақириб келишар эди.

Моховлар!
Моховлар!



Эй Исо, Ҳазрат! Бизга
рахм қил!






Бориб ўзларингизни
руҳонийга кўрсатинглар!




Ўзимизни текширтириш
учунми?

Биз моховдан фориғ
бўлдикми?



?

!



Қара, мен
тузалибман!



Биз касалдан
фориғ бўлдик!

Мен
ҳам!



Худованд-
ни
улуғлайман!



Шифо топганлар 10 киши
эдингизку? Худони улуғлаш
учун сендан бошқа ҳеч ким
қайтиб келмадимми?




Борақол, ишончинг сени
тузатибгина қолмай, қутқарди
ҳам.

Яҳудий уламолари Исони
зимдан қузатиш учун
Қуддусга ўз айғоқчиларини
юбордилар. Улар Исонинг
юриш-туришига бутунлай
қарши эдилар.

Исо ҳатто бузуқ аёллар ва Румо
солиқчилари билан ҳам яхши
муносабатда эди...

Масих дунёга гуноҳкор
бандаларни топиб, уларни
қутқариш учун
юборилган.




Исо шанба кунлари ҳам
даволар эди...

Шифолангин!

Уларга қўли тегсин деб,
Исонинг олдига ёш болаларни
ҳам келтиришар эди...


Болаларнинг Менинг
олдимга келишларини
таъқиқламанг. Зеро
Худонинг Шоҳлиги шу
кабиларникидир.




Исони Байтания деган қишлоққа чақиришди. Лазар исмли бир одам касал ётибди. Лазар ва унинг икки синглиси - Марфа ва Марям Исонинг яқин дўстларидан эди. Байтанияга келганида эса Лазарнинг 4 кун олдин вафот этганини эшитди.



Ҳазрат, агар Сен бу ерда бўлганингда эди, менинг акам ўлмас эди.



Сенинг акамги тирилади, Марфа.



Ҳа, биламан, қиёматда, охирада тирилади.



Мен Тирилиш ва Ҳаётдирман. Менга ишонган ўлса ҳам яшайди. Бунга ишонсанми, Марфа?




Ҳа, Раббим! Сен оламга келадиган Масих, Худонинг ўғлисан, деб ишонаман.



Уни қаерга қўйдингизлар?

Бориб кўргин, Ҳазрат.





Қуддус фарзйлари Исо ва унинг
тарафдорларидан борган сари ташвишга
туша бошладилар.



Бу одам жуда кўп
мўъжизалар кўрсатяпти.

Агар Уни ўз эркига
қўйиб берсак,
ҳамма Унга
ишониб қолади.



Румоликлар ғазабланиб,
муқаддас жойимизни
ҳам босиб оладилар.

Ўзингиз ўйлаб кўринг. Бутун
миллат ҳалок бўлгандан
кўра, битта кишининг халқ
учун ўлиши яхшироқ
эмасми?



Шунинг учун Исо
ўлиши керак!




Шундай қилиб ўша
кундан бошлаб, Исони
ўлдириш учун Румоликларнинг
қўлига тутиб беришга
тил бириктирдилар. Чунки
фақат Румоликлар ўлим
жазосига маҳкум этиш
ҳуқуқига эга эдилар.

Байтанияда зиёфат бўлаётир.



Марям!



Бу атир жуда қимматбаҳо-ку!



Уни сотиб пулини камбағалларга бўлиб берсак яхши бўлмасмиди?




Қаршилик қилма, Яхуда! У бу атирни танамга суртиб, Мени кўмишга тайёрлади.







Қурбонлик ҳайити яқинлашмоқда. Оломон
Қуддусга келаётибди.




Қуддусда ҳокимлар Исони ҳибсга
олиш режасини тузмоқдалар. Лекин
шунга қарамай У йўлида давом
этди.





Пойтахтда жойлашган
маъбад - ибодатхона.



Қурбонлик пайтида қўзиларни
қурбон келтиришарди.



Қўзининг бир қисмини, Худо
олдида одамларнинг
гуноҳларини ювиш учун,
маъбадга қурбон қилишарди.




Лекин қайси қўзи одамларни
чиндан ҳам гуноҳлардан
қутқара олар экан?






Худо маъбадида одамлар савдо-сотик,
қилаётган эдилар.




Бирдан Исо кириб
келди...






Тангрининг уйи ибодат уйи бўлиши керак. Сизлар эса уни қароқчилар уясига айлантириб юборибсизлар.



У жуда хавфли!
Лекин одамлар
Унинг ҳар бир
сўзига қулоқ
тутишяпти.



Ҳақиқатан ҳам биз Ундан
қутулиш йўлини топишимиз
керак.




Агар Уни алдаб
тутиб олсак, ўлдирар
эдик.

Фақат бу иш байрам
кунларида содир
бўлмаслиги керак.
Яна халқ ғалаён
қилмасин.



Уни тутиб берсам,
менга қанча
берасизлар?


Бу Яҳуда,
Унинг
шогирдлари-
дан бири!




Мен Исони сизларга
тутиб бераман.



Биз сенга Исо учун 30 кумуш
танга тўлаймиз. Бу - бир
қулнинг баҳоси.



Ҳокимларнинг тўхтовсиз таъйиқига қарамай, Исо Қурбонлик байрамигача бўлган кунларни маъбадда одамлар билан суҳбатда ўтказди.




Бу оқшом Исо ўзининг 12 шогирди билан байрам дастурхонига йиғилади.




Бу ишни бугун қиламан!







Мен азоб чекишимдан олдин бу байрам таomini сизлар билан бирга ейишни жуда ҳам орзу қилгандим.




Ҳокимлар одамлар устидан ҳукмронлик қиладилар. Лекин сизларнинг ўзаро муносабатингиз бошқача бўлиши керак.



Ким сизнинг бошлифингиз бўлса, ўша кўпроқ хизмат қилсин.



Мен сизларнинг орангизда хизматчиман.





Раббим, нахот оёқларимни Сен ювсанг?! Менинг оёқларимни икки дунёда ҳам ювмайсан!

Агар сени ювмасам, Мен билан улушинг бўлмайди.



Ундай бўлса, Раббим, қўлларим ва бошимни ҳам ювиб қўй.

Чўмилган одамнинг оёқлари ювилса бас.




Сизлар Мени Устозимиз ва Ҳазратимиз деб атайсизлар ва тўғри қиласизлар. Мен Ҳазратингиз ва Устозингиз бўла туриб оёқларингизни ювган бўлсам, сизлар ҳам бир-бирингизнинг оёқларингизни ювишингиз керак.



Сизлардан бир киши Менга хиёнат қилади.


Ўша мен эмасми?

Ҳеч қачон!



Яҳуда, қиладиганингни тезроқ қил!





Менинг хотирам учун шундай қилиб туринглар...



Олинглар. Бу нон сизлар учун синдирилган Менинг танамдир.



Олинглар. Бу коса Менинг қоним билан тасдиқланган Янги Аҳддир.



Сизларга янги амр беряпман. Бир-бирингизни худди Мен сизларни севгандек севинглар.



Агар орангизда муҳаббат ҳукмрон бўлса, сизлар Менинг шогирдларим эканингизни ҳамма шундан билиб олади.



Раббим, мен орқангдан қаерга десанг бораман. Сенга ўз жонимни фидо қиламан.

Петр, хўроз қичқирмасдан олдин сен Мендан уч марта тонасан.

Кеч оқшомда Исо Ўз шогирдлари билан шаҳарни тарк этди. Искаротлик Яҳуда улар орасида йўқ эди...

Энди Мен кетяпман. Аммо Менинг номимдан Отам юборадиган Муқаддас Рух Ўзи сизларга ҳаммасини ўргатади ва доим сизлар билан бирга бўлади.

Мен борадиган манзилга йўлни биласизлар.

Мен Йўл, Ҳақиқат ва Ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отамнинг олдига бора олмайди.

Мен ибодат қилганимча, сизлар бу ерда ўтириб туринглар.

Азиз Отажон! Агар мумкин бўлса, бу заққум косани Мендан четлат.

Лекин Менинг хоҳишим эмас, Сенинг хоҳишинг бўлсин!


Қандай қилиб бундай пайтда
ухлай оласиз? Туринглар! Менга
хиёнат қилувчи яқинлашиб қолди.



Мен ўпган Кишини тутинглар.

Устоз!


Ҳазрат, жанг
қилайликми?



Яҳуда, сен Мени ўпиб, хиёнат
қилапсанми?

Йўқ.

Исо ўзини тутиб олишларига йўл қўйди. Унинг
шогирдлари эса ҳар ёққа қочиб кетишди.



Исони яҳудий мансабдорлари бошлиғи - Олийруҳонийнинг олдига олиб кетишди. Исонинг орқасидан Симон Петр ва Юҳанно эргашиб боришар эди.



Петр Олийруҳоний ҳовлисига кирди.




Сен ҳам у Одам билан бирга эмасмидинг?



Йўқ, мен Уни ҳатто танимайман ҳам!

Сен ҳам Унинг шогирдларидан эмасмидинг?



Йўқ, албатта!




Сени боғда У билан кўрдим, шекилли? Сен ҳам Жалилаликсан!

Сен нима деяпсан ўзинг, тушунмаяпман.







Қу-қу-
қу-
қууу!



Сен Худованднинг
Ўғлимисан?



Башорат қил-чи,
Сени ким туртди?



Тонг ёришгач, Исони яҳудий мансабдорлари
Олий Кенгашга олиб бордилар.


Сен
Худованднинг
Ўғлимисан?

Ўзинг айтдинг.




Мана, куфр қилганини
эшитдингизлар! У ўлим
жазосига маҳкум этилиши керак.
Румоликлар ҳукм этсинлар.

Исони Румо давлати томонидан қўйилган ҳоким - Пилатнинг олдига олиб боришди. Яҳудий амалдорлари эса оломонни қайраб қўйдилар. Улар турли ҳақорат ва тухматлар ёғдирдилар.




Бу айбларга жавобан нима дейсан? Ҳеч нима?




Сен нима гуноҳ қилдинг?


Мен Ҳақиқат тўғрисида шоҳидлик қилмоқ учун келганман.




Ҳақиқат нима?





Мен Ундан ҳеч қандай айб тополмаяпман. Сизларнинг одатингизга кўра Қурбонлик байрамида кимни озод қилай? Бараббаними ёки Яҳудийлар Подшоҳиними?











Боши устида уч тилда шундай ёзув бор эди: Бу Яхудийлар Подшоҳи - Насролик Исодир.

Унга оғриқни пасайтирадиган шароб беришди, лекин У ичмади.

Аскарлар Унинг кийимларини ўзаро бўлишиш учун қуръа ташладилар.



Ҳа, бошқаларни қутқарди, Ўзини қутқара олмайди!

Агар Худонинг Ўғли бўлсанг, Ўзингни қутқар. Хочдан тушиб кўр!

Масих бўлсанг, Ўзингни ва бизни қутқар!

Худодан қўрқмайсанми? Мана, бизлар қилмишимизга яраша одилона жазо олдик. У эса ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ.

Ё Раббий! Шоҳлигинга кирганингда мени эслагин!

Ишонгин, бугуноқ сен Мен билан бирга жаннатда бўласан.

Туш чоғи қуёш тутилиб,
бутун ер юзини уч соат
давомида қоронғилик
қоплади.

Исонинг хочи ёнида Унинг онаси ва
шогирди Юҳанно турардилар.

Энди сизлар она-
боласизлар.

Тангрим, Тангрим, нега
Мени ташлаб кетдинг?

Чанқадим!

Ота, Рухимни Сенинг
қўлларингга топширяпман.

Амалга ... ошди!

Исо кундузи соат учда жон берди. Аскарлардан бири Исонинг биқинини найза билан тешди, шу заҳоти қон билан сув оқиб чиқди.



Тавротда: «У - Худонинг қурбонлик Қўзиси...»



«У бизнинг гуноҳларимизни Ўзига олиб қурбон бўлди», - деб ёзилган. Лекин У ўлди.



Ҳақиқатан ҳам Худо юборган Масиҳ шумикан?



Юр, Уни кўмиш учун рухсат сўрайлик.




Ариматеялик Юсуф ва Никодим Исонинг жасадини бўшатиб олдилар. Улар Уни мушкмуаттар билан кафанладилар ва қояда ўйилган қабрга қўйдилар. Кейин қабрнинг оғзини катта бир тош билан беркитиб кетдилар.




Қурбонлик байрамидан сўнг,
якшанба кунини эрта тонгда
аёллар тайёрлаб қўйган
мушк-анбарларини олиб
қабрга келдилар.




Қабр оғзидаги
тош
ағдарилган-ку!?



Нега сизлар тирикни ўликлар
орасидан излаяпсизлар? У
қайтадан тирилди. Шогирдларга
бу хабарни етказинглар.




Эшитган заҳоти Петр ва
Юҳанно қабр томон
жўнашди.






Нима бўлди?




Қабр бўм-бўш-ку!





Худди шу кун шогирдлардан иккиси рўй берган ҳодисалар ҳақида ўзаро гаплашиб борардилар. Бир Киши уларга ҳамроҳ бўлди...

Пайғамбарлар сўзларига ишонмайсизларми? Масиҳ Ўз улуғворлигига эришиш учун шу азобларни бошдан кечирмоғи кераклиги Тавротда ёзилган-ку!



Улар бирга дастурхон атрофида ўтирганда, Меҳмон бирдан кўздан ғойиб бўлди...

Бу Одам Исонинг Ўзи эмасми!



Шу заҳоти ўринларидан туриб, Қуддусга қайтиб бордилар.


Биз Раббимизни кўрдик!

Марям ва Петр ҳам кўришди!



Шу пайт...

Сизларга тинчлик бўлсин!





Нечун кўнглингизда дунча гумонлар туғиляпти? Мана, қўлларимга ва оёқларимга қаранглар!




Ҳазратим ва Тангрим!



Исо Ұз шогирдларига
40 кун давомида кўриниш
берди. У ҳатто бирданига
500 кишига ҳам зоҳир бўлди.
Бир куни Унинг ҳаворийларидан
бир нечтаси Жалила кўлида
балиқ овлаётган эдилар...






Исо кетди. Унинг шогирдлари Қуддусда ибодатда эдилар. Муқаддас Рух уларнинг қалбига ўрнашди. Бу Рух уларнинг Исо ҳақида шоҳидлик қилувчи янги одамларга айланишларига ёрдам берди.

Ўлим Исони ушлаб қола олмади. Худо Уни қайтадан тирилтирди.



Исонинг ҳамроҳлари қаттиқ қаршилиқларга қарамай, Хуш Хабарни тарғиб қилишни давом эттирдилар.


Исо Халоскоримиз!




У хочда ҳалок бўлиб, бизнинг гуноҳларимизни Ўз бўйнига олди. Шунинг учун биз гуноҳдан қутқарилиб, бундан буён Муқаддас Рух ёрдами билан Худонинг иродасида яшашимиз мумкин.

Бугун ҳам бутун дунёда Исонинг издошлари ибодат қилиш учун ва Инжилни ўқиш учун йиғилиб турадилар. Улар Исони ёдлаб нон ушатадилар. Ўз қалбларидаги Худонинг Муҳаббатини бошқаларга улашадилар.

Исо Худованднинг
инсониятга бўлган
мақсадини юзага
чиқаришга имконият
яратди.



Исо сени севади. У Ўз
қонини сен учун тўқди.



Зеро Худо Оламни шунчалик
севдики, Ўзининг ягона
Ўғлини берди, токи Унга
ишонган ҳар бир инсон
ҳалок бўлмасин, балки
абдий ҳаётга эришсин.

ЯНА ИСО ҲАҚИДА

Исо ҳақида гувоҳлик бериш учун Унинг ҳаворийларидан тўрт одам китоб ёзишган. Бу китоблар Инжилда жамланган.

МАРК

Марк кичик Муқаддас Хушxabарни баён этган. Исо Яҳудияда Худо йўлига хизмат қилиб юрганда У кичкина бола эди. Марк Петр билан кўп марта сафар қилган. Ўзининг бир мактубида Петр уни ҳатто «менинг ўғлим» деб ҳам атаган. Кейинчалик Марк Павел билан сафарларда бўлган ва бу одам Европага Исо ҳақидаги хабарни етказган.

МАТТО

Матто Исонинг 12 ҳаворийларидан бири бўлган. Солиқчи бўлган Матто улар қаторига Кафарнаҳумда қўшилган. Одамларга Исонинг солиқчилар билан мулоқоти эриш туюлган эди. Матто ёзган ҳикояларининг аксариятини ўз кўзи билан кўрган.

ЛУКА

Лука бўлган воқеаларни ўз кўзи билан кўрмаган бўлсада, Муқаддас Хушxabарни баён этганлардан биридир. У грек доктори бўлган, кейинчалик Исога имон келтирган. У Павел билан жуда кўп сафар қилган. Лука шахсан ўзи Исони кўрган-билган одамлар билан учрашиб, улардан содир бўлган турли воқеаларни ёзиб олган. У ҳатто Исонинг илк издошлари

тажрибалари ва биринчи Масиҳий жамоати қандай қурилгани тарихи ҳақида ҳам баён этган. Булар Инжилга «Азиз ҳаворийларнинг фаолияти» номли китоб бўлиб кирган.


ЮХАННО


Юханно Исонинг энг суюкли шогирди эди. У ўзи баён этган Муқаддас Хушxabарнинг сўнггида шундай деб ёзган: *Исо бажарган бошқа бир талай ишлар ҳам бор. Буларни эса Исонинг чиндан ҳам башорат этилган Масиҳ эканлигига ишонишингиз учун ва ишониб, Унинг номи билан ҳаётга эришишингиз учун баён этдим.*

Исонинг шогирдлари ичида Юханно энг узок умр кўрган. Умрининг охирида унга Исо - Худонинг ўғлининг шуҳратланиши туш орқали зоҳир бўлди. Бу ҳақида Инжилдаги Ваҳий китобида баён этилган.

ВА СЕН!

Исо ҳақидаги ҳикоят ҳали тугагани йўқ. Асрлар оша у кўп одамларнинг ҳаётида давом этиб келмоқда. У сенинг ҳаётингда ҳам давом этиши мумкин. Исо сенга ўз муҳаббатини кўрсатишни истайди ва сенга Ўзининг Отаси - Худовандни билишга имконият яратади. У сенинг қалбингга Муқаддас Рухни юборишни хоҳлайди. Муқаддас Рух сенинг ички дунёнгни ўзгартиради. Зулмат ўрнини Нур эгаллайди. Ўлим билан тугайдиган нарса абадий ҳаётга эришади. Исо туфайли Худованднинг нияти сенинг ҳаётингда ҳам амалга ошиши мумкин.





Бу Исо Масих ҳаёти ҳақидаги расмий китобдир. Бу китоб Инжил Хушхабарининг ажойиб баёнидир. Китобдаги суҳбатлар замонавий тилда баён этилган бўлса ҳам, мазмун жиҳатдан Инжилга жуда яқин.

Бу китоб кўп тилларда, масалан, турк, араб, албан, француз, инглиз ва нидерланд тилларида чоп этилган.

